



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

2018 йил 19 июль, пайшанба

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 135 (13.732)

Баҳоси эркин нарҳда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

2018 йилда қишлоқ жойларда янгиланган намунавий лойиҳалар бўйича арзон уй-жойлар ва шаҳарларда арзон кўп қаватли уйлар қуриш дастурларини амалга ошириш механизмларини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида

2018 йилда қишлоқ жойларда янгиланган намунавий лойиҳалар бўйича арзон уй-жойлар ва шаҳарларда кўп қаватли уйлар қуриш дастурларини самарали амалга ошириш, аҳолининг шинам турар жойга бўлган эҳтиёжини қондириш, шунингдек, фуқароларнинг фаровонлик даражасини янада ошириш ва турар жой шароитларини яхшилаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий вазирлиги, Молия вазирлиги, "Қишлоқ қурилиш банк" АТБ, Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки, "Ипотека банк" АТБ, Халқ банки АТБ, "Асака" АТБ ва "Узсаноатқурилишбанк" АТБларининг (кейинги ўринларда иштирок этувчи тижорат банклари деб юритилади) 2018 йил 1 июлдан 2020 йил 1 январга бўлган даврда 20 йил муддатга, 3 йиллик имтиёзли давр ҳамда биринчи 5 йил мобайнида йиллик 7 фоиз ставкаси билан ва кейинги даврда Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қайта молиялаштириш ставкаси миқдоридан ипотека кредитларини:

а) қишлоқ жойларда янгиланган намунавий лойиҳалар бўйича арзон уй-жойлар қуриш учун уй қурувчиларга дастлабки бадал:

0,02 га ўлчамли ер участкаларида жойлаштирилган икки, уч, тўрт, беш қаватли кўп қаватли (2 ва 3 хонали) ва 2, 3 хонали бир қаватли арзон уй-жойлар учун – 10 фоиз миқдорда;

б) шаҳарларда ёш оилаларга, эски уйларда яшовчиларга ва турар жой шароитларини яхшилашга муҳтож бўлган фуқароларнинг бошқа тоифаларига дастлабки бадалнинг табақалаштирилган миқдорини амалиётга жорий этган ҳолда, арзон кўп қаватли уйларни ўртача 15 фоиз миқдордаги дастлабки бадал билан сотиб олиш учун бериш тўғрисидаги таклифи розилик берилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги: иштирок этувчи тижорат банкларининг буюртманомалари бўйича турар жой шароитларини яхшилашга муҳтож бўлган оилалар учун арзон уйлар қуриш учун 20 йил муддатга, жумладан, дастлабки 5 йил мобайнида йиллик 3 фоиз ставкаси 5 йиллик имтиёзли даврни ўз ичига олган ва кейинги даврда иштирок этувчи тижорат банкларининг йиллик 4 фоиз миқдордаги маржа-си чегириб ташланган қайта Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қайта молиялаштириш ставкаси миқдоридан, кредит линияси маблағларни қишлоқ жойларда янгиланган намунавий лойиҳалар бўйича арзон уй-жойлар қуриш дастури доирасида уй-жойлар қуришга мақсадли йўналтирилган ҳолда миллий валютада кредит линиялари очсин;

ушбу қарордан қилиб чиқадиган ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда, қишлоқ жойларда уй-жойлар қуришни молиялаштириш учун 2018 йилда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қўшимча маблағлар йўналтирсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси ва Молия вазирлиги: шаҳарларда арзон кўп қаватли уйлар қуриш доирасида "Ўзбекистоннинг ипотека бозорини кенгайтириш" лойиҳасини амалга ошириш бўйича Осиё тараққиёт банки билан бир ой муддатда музокара олиб борсин;

Иқтисодий вазирлиги билан биргаликда аҳоли билан мулоқот натижаларига кўра аниқланган қўшимча уй-жой ҳажмларини шакллантириш яқунлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига қишлоқ жойларда янгиланган намунавий лойиҳалар асосида қўшимча арзон уй-жойлар ва шаҳарларда кўп қаватли уйлар қуришни молиялаштиришга доир таклифлар киритсин;

2018 йил охиригача ушбу қарор талабларидан қилиб чиққан ҳолда қишлоқ жойларда уй-жойлар қурилишини молиялаштириш соҳасида халқаро молия институтлари (Осиё тараққиёт банки, Ислон тараққиёт банки, Саудия тараққиёт жамғармаси) билан тузилган қарз

битимларига ўзгаришлар киритиш чораларини кўрсин.

4. Кейинчалик "Қишлоқ қурилиш инвест" ИК" МЧЖнинг йиллик 5 фоиздан юқори бўлмаган ставкаси бўйича кредит линияси очилган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг "Қишлоқ қурилиш банк" АТБ депозитига йиллик 3 фоиз ставка бўйича жорий йил 1 ноябргача жойлаштириладиган 210 миллион сўм миқдордаги вақтинча бўш маблағлари импорт ёғоч-тахта материаллар ва том ёпиш учун темир листларни харид қилиш манбаи этиб белгилансин.

5. "Қишлоқ қурилиш инвест" ИК" МЧЖ иштирок этувчи банklar билан биргаликда:

Ислон тараққиёт банкининг кредит линиялари бўйича "Қишлоқ қурилиш инвест" ИК" МЧЖ ҳисоб рақамларида жамланган, 2015-2017 йилларда шакллантирилган уй қурувчиларнинг дастлабки бадалларини икки ҳафта муддатда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига йўналтирсин;

ҳар ярим йил якуни бўйича Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига аввал аҳолига ажратилган кредитлар муддатидан олдин қоплангани тўғрисида ахборот киритсин ва вазирлик билан келишган ҳолда ушбу маблағларни уй-жойлар қуришга йўналтирсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгаришлар қўшимчалар киритилсин.

7. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари – "Ўзбекистон темир йўллари" акциядорлик жамияти бошқаруви раиси А.Ж.Раматов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари – молия вазири Ж.А.Қўчқоров зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2018 йил 18 июль

БМТ РЕЗОЛЮЦИЯСИ – ЎЗБЕК ДИПЛОМАТИЯСИНИНГ ТАРИХИЙ ЮТУҒИ

Маълумки, жорий йилнинг 22 июнь кунли БМТ Бош Ассамблеясининг ялпи мажлисида "Марказий Осиё минтақасида тинчлик, барқарорлик ва изчил тараққиётни таъминлаш бўйича минтақавий ва халқаро ҳамкорликни мустақамлаш" резолюцияси қабул қилинди. Ўзбекистон томонидан Марказий Осиё давлатлари билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган ушбу ҳужжат лойиҳасини БМТга аъзо барча мамлакатлар бир овоздан қўллаб-қувватладилар.

Халқаро пресс-клубнинг "БМТнинг Марказий Осиё бўйича биринчи резолюцияси: ўзбек дипломатиясининг тарихий ютуғи" мавзусидаги навбатдаги сессиясида ушбу резолюциянинг қабул қилиниши жараёни, мазмун-моҳияти ҳусулда сўз юритилди. Унда сенаторлар, Ташқи ишлар вазирлиги, дипломатик корпус вакиллари, экспертлар иштирок этди.

Ушбу резолюция Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан 2017 йил сентябрь ойида Нью-Йоркда бўлиб ўтган БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида илгари сурилган ташаббусларнинг амалий натижасидир.

Марказий Осиё дунёдаги энг ёш минтақалардан бири ҳисобланади. Ушбу минтақадан айнан шу минтақанинг барча давлатлари, шунингдек, Афғонистоннинг позицияси, қарашлари муштарак аксини топган.

БМТ маълумотига кўра, сўнгги 10 йил давомида Марказий Осиё давлатлари ялпи ички маҳсулотининг йиллик ўсиши ўртача 6,2 фоизни ташкил қилган бўлса, бутун дунёда бу кўрсаткич 2,6 фоизга тенгдир. Бу эса Марказий Осиёнинг истиқболли минтақа эканини аниқлатади.

Ушбу муҳбири анжуманининг айрим иштирокчилари билан суҳбатлади.

Содиқ САҒОЕВ, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати раисининг биринчи ўринбосари:

– Ўзбекистон Марказий Осиёдаги барча давлатлар билан ўзаро манфаатли муносабатларни ривожлантириш учун катти, аниқ қадамларни қўймоқда. Мамлакатимизнинг минтақа бўйича янги сиёсат юрйти бошлагани бу ерда йўналиб қолган масалаларни ечиш йўлида ўз вақтида қўйилган самарали қадам бўлди, деб ўйлайман. Шу нуқтага назардан ушбу резолюция орқали Марказий Осиё давлатлари ўртасидаги ҳамкорликнинг жадаллашиши минтақадаги сиёсий муҳитни тубдан ўзгартириш, конструктив ҳамкорлик ўрнатиш ва янги қўшимча муносабатларини мустақамлашга замин яратди.

(Давоми 2-бетда)

ЮНИСЕФ БИЛАН ҲАМКОРЛИК МАСАЛАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Шу кунларда БМТ Бошқаруви жамғармасининг (ЮНИСЕФ) Европа ва Марказий Осиё бўйича минтақавий директори Афшан Хон бошчилигидаги делегация мамлакатимизда бўлиб турибди.

Делегациянинг ташрифи муносабати билан 18 июль кунини пойтахтимиздаги "Hyatt Regency Tashkent" меҳмонхонасида ЮНИСЕФ билан ҳамкорлик масалаларига бағишланган йилги мажлис бўлиб ўтди. Унда тегишли вазирлик ва идоралар раҳбарлари, депутатлар, мамлакатимизда аккредитациядан ўтган дипломатик корпус, халқаро ташкилотлар вакиллари, экспертлар, фуқаролик жамияти институтлари мутахассислари иштирок этди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Ж.Раматов ва А.Абдуҳақимов, ЮНИСЕФнинг Европа ва Марказий Осиё бўйича минтақавий директори А.Хон сўзга чиқди. Таъкидланганидек, БМТнинг Болалар жамғармаси давлат сиёсатининг устувор йўналиши ҳисобланган она ва бола саломатлиги, улар ўртасида ўлим даражасини камайтириш, оналар ва болани озикланиши бо-

расидаги энг илғор тажрибани ҳаётга татбиқ қилиш, ОИВнинг олдини олиш бўйича қонун ижодкорлиги, соҳада мавжуд муаммоларни аниқлаш ва уларга ечим топишдек муҳим масалаларда Ўзбекистон билан фаол ҳамкорлик қилиб келмоқда. Бундан 2016 йилда мамлакатимизда ЮНИСЕФ билан имзоланган ҳамкорлик дастури муҳим ўрин тутмоқда. БМТнинг Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенциясига мувофиқ ишлаб чиқилган ушбу ҳужжат болалар фаровонлиги билан боғлиқ стратегик ёндашувларни ўзида акс эттирган. Мамлакатимизда ЮНИСЕФ билан ҳамкорликда Европа Иттифоқи кўмағида болаларни миграция таъсиридан асрашга қаратилган янги лойиҳанинг амалга оширилиши бу борадаги ишларни сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқиш имконини бермоқда.

Йилги мажлисда мамлакатимизда ЮНИСЕФ билан ҳамкорликда олиб

борилаётган ишлар кўлами, эътиборга олиниши лозим бўлган масалалар муҳокама қилинди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш, ҳалқ таълими, мактабга таълим ҳамда бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирларининг маърузалари тингланди.

Қайд этилганидек, сўнгги икки йилда Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида давлат ва жамият бошқарувининг барча йўналишларида изчил ишловлар олиб боришмоқда. Ижтимоий соҳани ислоҳ қилишга оид юздан зиёд ҳужжат қабул қилинди. Бундан ташқари, ўтган йили жойлардаги 126 қишлоқ врачлик пункти ва 180 қишлоқ оилавий поликлиникаси "Саломатлик – 3" лойиҳаси доирасида умумий қиймати 6,5 миллион АҚШ долларига тенг тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланди.

(Давоми 2-бетда)

АХБОРОТ-РЕСУРС МАРКАЗИ

У ЭКОЛОГИК БИЛИМНИ ЯНАДА ОШИРИШГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Пойтахтимизда Ўзбекистон экологик ҳаракати ва ЕХХТнинг Ўзбекистондаги лойиҳалари мувофиқлаштирувчи ҳамкорлигида Экоҳаракатнинг Тошкент вилояти ҳудудий бўлими қишлоқ ташкил этилган Ахборот-ресурс марказини очилиши бўлиб ўтди.

Ахборот-ресурс маркази Экоҳаракат ва ЕХХТнинг Ўзбекистондаги лойиҳалари мувофиқлаштирувчи ҳамкорлигида амалга оширилган "Атроф-муҳит муҳофазасига қаратилган чора-тадбирларни амалга оширишда Ўзбекистон экологик ҳаракати кўмаклашиш – Фаза II" лойиҳаси доирасида ташкил этилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари, Ўзбекистон экологик ҳаракати марказий кенгаши ижроия қўмитаси раиси Б.Алиқонов, ЕХХТнинг Ўзбекистондаги лойиҳалари мувофиқлаштирувчиси Ж.Макгрегор ушбу марказ фаолияти аҳолининг экологик билими ва маданиятини оширишга қаратилгани билан аҳамиятли эканини таъкидлади.

Марказни ташкил этишдан мақсад республиканинг барча ҳудудларида атроф-муҳитни муҳофаз қилишда

жамоатчилик иштирокини кучайтириш, аҳолининг экологик билим ва маданиятини ошириш, экологик назоратда жамоатчилик инспекторлари фаолиятини йўлга қўйиш, экология, тиббий соҳасида фаолият олиб бораётган ННТ, фуқаролик жамиятининг бошқа институтларига услубий ёрдам кўрсатиши, шунингдек, оммавий ахборот воситаларини экологик маълумотлар билан таъминлашга кўмаклашишдан иборат.

Тадбирда экологик назорат соҳасида давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтларининг ўзаро ҳамкорлиги, атроф-муҳит соҳасидаги қонунлар талабларининг бажарилиши, бу йўналишдаги давлат дастурларининг ҳаётга татбиқ этилиши юзасидан жамоатчилик назоратини амалга оширишда ННТ, ОАВ ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг ўзаро ҳамкорлигига ҳам алоҳида тўхталиб ўтилди.

Йилги мажлисда билдирилган таклифлар асосида тегишли тавсиялар қабул қилинди.

(Ўза)



МАМЛАКАТИМИЗДА

• Фарғона вилояти Риштон туманида "Обод қишлоқ" дастури асосида "Хуррамобод" ва "Бўстон" маҳалла фуқаролар йиғинларида кенг кўламли бунёдкорлик ишлари олиб борилиши белгиланган. Ҳозирга қадар манзилли чора-тадбирларга мувофиқ, мазкур ҳудудларда бир қатор ишлар бажарилди. Хусусан, "Хуррамобод" маҳалла фуқаролар йиғинида ички йўллар таъмирдан чиқарилди, кўчалар ободонлаштирилиб, тобора чирой очмоқда, турли маиший хизмат кўрсатиш шохбачалари қад ростламоқда. Кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам кўрсатилиб, тадбиркорларга имтиёзли кредитлар ажратилмоқда.

• Тошкент туманида Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Тошкент вилояти кенгаши томонидан партия туман кенгаши ходимлари ва фаоллари малакасини оширишга қаратилган ўқув-семинар ўтказилди.

• Жизза вилоятидаги 74, жумладан, шаҳар ташқарисидagi 12, умумтаълим мактаблари қошидаги 62 оромгоҳда 9 минг 525 нафар ўқувчини дам олдириш режалаштирилган. Барча оромгоҳларда дам олишнинг биринчи босқичи яқунланди. Дастлабки босқичда шаҳар ташқарисидagi оромгоҳларда 1 минг 652 нафар бола хордик чиқарди. Айни пайтда ушбу оромгоҳларнинг иккинчи босқичида 1 минг 108 нафар бола дам олаётир.

• "Обод қишлоқ" дастури асосида бутунлай янги қиёфа касб этган Дўстлик туманидаги Манас қишлоғида мактабга таълим муассасалари сони учтага етди. Қишлоқдаги "Абди ота" фермер хўжалиги раҳбари Муқаддас Абдиева хусусий мактабга таълим муассасаси очди. Янги "Ойдин-Одина" уй боғчаси 15 нафар кичкинтойни ўз бағрига олди. Муассасага кам таъминланган ва ногирони бўлган оилаларнинг уч нафар фарзанди бепул қабул қилинди.

• Нукусда ўсмирлар ва қизлар ўртасида "Маҳалламиз паҳлавонлари" спорт мусобақасининг Қорақалпоғистон Республикаси босқичи бўлиб ўтди.

ЖАҲОНДА

• Тўрт йиллик музокарадан сўнг ниҳоят Япония ва Европа Иттифоқи ўртасидаги молиявий ҳамда иқтисодий муносабатлар энгил кечадиган бўлди. Тез орада имзоланиши кўзда тутилаётган эркин савдо тўғрисидаги битим орқали Қунчиқор мамлакатдан Европага машиналар ва бошқа техника воситалари, ўз навбатида ЕИДдан Японияга озик-овқат маҳсулотларининг бож тўловларидаги имтиёзлар орқали етказиб берилиши таъминланади.

• Италиянинг Турин шаҳрида "Ювентус" клубига ўтган жаҳон футболнинг энг йирик юлдузларидан бири – португалиялик Криштиану Роналдунинг расмий таништирув маросими ўтказилди. Роналдунинг "Ювентус" билан шартномаси тўрт йилга имзоланган бўлиб, қиймати юз миллион евродан ошади. Унга кўра футболчи ҳар йили 30 миллион евролик маблағ тўлаб борилади. Ўтган тўққиз йил давомида "Реал" (Мадрид) командасида тўп суриб, тўрт марта чемпионлар лигасининг голиби бўлган футболчи "Ювентус"да ҳам ўзининг еттинчи рақамли футболкаси билан майдонга тушади.

• Қонунчиликдаги янги ўзгаришларга мувофиқ, Россияда хорижий фуқароларни иш жойига миграцион рўйхатга қўйиш тақиқланди. Авваллари мигрантларни хонадонга ҳам, иш жойига ҳам расмийлаштириш мумкин эди. Эндиликда бу ҳақиқатан ҳам иш жойида яшаш ҳолати қайд этилганидагина мумкин бўлади. Қонунга амал қилмаган хорижликлар мамлакатдан чиқариб юборилади.

“Тадбиркор аёл” Ўзбекистон ишбилармон аёллар ассоциацияси томонидан янги стратегик лойиҳа – “2018-2020 йилларда хотин-қизлар учун бизнес таълим тизимини такомиллаштириш” дастури ишлаб чиқилди.

Мамлакатимизда амалга ошири- лаётган изчил иқтисодий ислохот- лар, кичик бизнес ва хусусий тад- биркорлик, хусусан, аёллар тадбир- корлигини қўллаб-қувватлаш бора- сидаги чора-тадбирлар хотин-қиз- ларнинг иқтисодий, ижтимоий фаоллигини оширишда муҳим оми- л бўлмоқда.

Афсуски, бу каби имкониятлар- дан мақсадли фойдаланмай, тад- биркорлик асослари, бошқарув ти- зимини тўлиқ англаб етмасдан, кредит маблағларини тўғри йўналтирмай биз- неси касодга учраётган, ўзлари ҳам оғир психоло- гик ҳолатга тушиб қолаётган хотин-қизлар ҳам қўллаб учраб ту- рибди.

Хотин-қизларни тад- биркорлик асосларига ўқитиш лозимлиги ҳақида нихоятда кўп га- пирилади, турли ташки- лотлар томонидан биз- нес маълумотларини берувчи қисқа муддатли тренин- глар ўтказилади. Мутасадди ташки- лотлар аёлларни бизнесга ўргатиш- ни ҳамкорликда ўтказамиз, деган мақсад билан дабдабали қўшма қарорлар қабул қилиб, бўлиб ўтган тренинглар бўйича ҳисоботлар тай- ёрламоқда ва ҳоказо...

Уларнинг сифат ва самаралари қандай? Ўқув дастурлари борми, бор бўлса ким томонидан тасдиқ- ланган? Ушбу ўқув дастурлари до- ирасида ҳақиқатда неча нафар хот- ин-қиз ҳақиқий корхоналар очди, қанча даромад қилди, қанча иш ўрни яратилди? Бу саволларга кўп ҳолларда, афсуски, жавоб йўқ.

Бугунги кунда мамлакатимизда аёллар тадбиркорлиги ривожлани- шга тўсқинлик қилаётган муаммо- лардан бири – иш билан банд бўлмаган хотин-қизлар учун бизнес

таълими тизими самарасининг пастлигидир. Хусусан, аёлларимиз- нинг турмуш тарзи, уларнинг ижти- мий ҳаётдаги роли ва миллий менталитетимизга мутаносиб ёнда- шувнинг йўқлиги сабабли ҳам тақ- дим этилаётган бизнес таълими ку- тилган натижаларни бермаяпти.

Ушбу муаммони ҳал этиш учун айнан хотин-қизларга хос бўлган тадбиркорлик йўналишларини ри- вожлантиришга қаратилган таълим дастури, дастурдан кейинги қўллаб-

ди. Жамиятимиз хусусиятлари ҳисобга олинган катталар учун биз- нес таълим методикаси ишлаб чи- қилди, малакали маҳаллий бизнес тренерлар тайёрланди, устозлар, экспертлар гуруҳлари шаклланди. Энг муҳими, маҳаллий хотин-қиз- лар томонидан ассоциациянинг ўқув дастурларига ишонч пайдо бўлди.

Яна бир муҳим жиҳат – бизнес таълим бераётган бошқа ташкилот- лар фаолиятидан фарқли ўларок,

130000 та янги иш ўрни яратил- ган.

Кўп йиллик тажриба ва бугунги кундаги салоҳиятни ҳисобга олган ҳолда “Тадбиркор аёл” Ўзбекистон ишбилармон аёллар ассоциацияси хотин-қизлар учун бизнес асосла- ри бўйича комплекс ўқув-инфор- мацион дастурини амалга ошириш тақлифи билан Ҳукуматимиз раҳ- бариятига мурожаат этди. Ушбу лойиҳанинг номи “2018-2020 йил- ларда хотин-қизлар учун бизнес таълим тизимини такомиллашти- риш” дастури.

Лойиҳа дастури тўртта ўқув мо- дуллари қамраб олади – “Биз- несни режалаштириш ва молиявий саводхонлик”, “Бизнесни самара- ли бошқариш”, “Рақоб- батбардошлик ва маҳсу- лотни бозорга муносиб тақдим этиш”, “Тадбир- корлик фаолиятини юритиш: аёл, оила, биз- нес, урф-одат ва замо- навийлик”. Лойиҳа те- гишли давлат ва жамо- ат ташкилотлари билан яқин ҳамкорликда амал- га оширилади.

Ушбу лойиҳага мам- лакатимизнинг 180 та туман ва шаҳри қамраб олиниши кўзда тутилган.

Лойиҳа амалга ошадиган бўлса, 78000 нафар хотин-қизга бизнес асослари бўйича кўникма ва амал- ли ёрдам берилади, 50000 та янги иш ўрни яратилади, қишлоқ жойларида қийин ижтимоий аҳво- лда хотин-қизлар иш билан таъ- минланиб, салоҳиятларини даро- мад келтирувчи фаолиятга йўнал- тириш ҳисобига уларга психологик ва иқтисодий ёрдам кўрсатилади.

Шу нуқтаи назардан лойиҳанинг аҳамияти мамлакатимизда аёллар тадбиркорлигини ривожлантириш, янги иш ўринлари ташкил этишда жуда муҳим бўлиб мамлакатимиз тадбиркор аёллари ассоциацияси ушбу лойиҳа Ҳукуматимиз томони- дан қўллаб-қувватланишига умид қилиб қолади.

ЎЗА

Тақлиф

ХОТИН-ҚИЗЛАР ТАДБИРКОРЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛИДАГИ ЯНГИ ЛОЙИҲА

қувватлаш механизмини ўз ичига олган чора-тадбирлар мажмуаси- дан иборат яхлит тизим ташкил этиш лозим.

Айнан шу чора-тадбирлар маж- муасини ўзида мужассам этган таъ- лим тизими иш самарасини таъ- минлайди, янги барқарор иш ўрин- лари яратилишига омил бўлиб, ай- ниқса, қишлоқ жойларда хотин-қиз- ларга хос бўлган ноҳусу ижтимоий ҳодисалар рўй бериши олдини ола- ди, аёлларнинг ҳаётга қизиқишини орттириб, ўз қобилиятини намойн қилишига имкон беради.

“Тадбиркор аёл” Ўзбекистон иш- билармон аёллар ассоциацияси ўзининг 27 йиллик фаолияти даво- мида юзлаб бизнес таълим дас- турларини амалга оширди. Аёллар тадбиркорлигини ривожлантириш- да катта тажриба мактаби яратил-

ассоциация томонидан ўтказилаёт- ган бизнес-тренинг, семинар ва бошқа ўқув дастурлари хотин-қиз- лар томонидан бошланган ёки ри- вожланиётган тадбиркорлик фаоли- яти жараёнида бизнес маслаҳатлар бериш, жиҳозлар, ҳамкорлар топиш, кредит олиш, капитални самарали бошқариш, ишлаб чиқарилган маҳ- сулотни сотиш каби хизматларни кўрсатиш билан бирга, тадбиркор аёлларнинг маънавий савиясини ошириб бориш каби фаолиятлар бил- лан муштаракликда олиб борилди.

Натижада, тақдим қилинган ўқув дастурларидан катта кўрсаткичли фойдалилик коэффициентиغا эри- шилган – 43000 нафар бизнесга ўқитилган хотин-қизнинг 75 фоизи ўзларининг бизнес фаолиятини бошлаган. Ассоциация ўқув дастур- ларидаги иштирокчилар томонидан

ассоциация томонидан ўтказилаёт- ган бизнес-тренинг, семинар ва бошқа ўқув дастурлари хотин-қиз- лар томонидан бошланган ёки ри- вожланиётган тадбиркорлик фаоли- яти жараёнида бизнес маслаҳатлар бериш, жиҳозлар, ҳамкорлар топиш, кредит олиш, капитални самарали бошқариш, ишлаб чиқарилган маҳ- сулотни сотиш каби хизматларни кўрсатиш билан бирга, тадбиркор аёлларнинг маънавий савиясини ошириб бориш каби фаолиятлар бил- лан муштаракликда олиб борилди.

Натижада, тақдим қилинган ўқув дастурларидан катта кўрсаткичли фойдалилик коэффициентиغا эри- шилган – 43000 нафар бизнесга ўқитилган хотин-қизнинг 75 фоизи ўзларининг бизнес фаолиятини бошлаган. Ассоциация ўқув дастур- ларидаги иштирокчилар томонидан

логияларини жорий этиш, ўқитувчиларнинг ижтимоий мавқеини юксалтириш орқали таъ- лим сифатини ошириш масалалари бўйича муҳим вазифалар белгиланди. Бугунги тад- бирда ЮНИСЕФ иштирокида янги вазифалар ижросини таъминлаш борасида ҳамкорликни ривожлантириш масалалари юзасидан фикр алмашдик.

ЎЗА

ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАБ ОЛИНДИ

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасида бўлиб ўтган йиғилишда Олий Суд, Бош прокуратура, Бош прокуратура ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси, Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ва Марказий банкнинг мутасадди раҳбарлари билан ҳамкорликда умидсиз солиқ қарзини тугатишга доир олиб борилаётган ишлар муҳокама этилди.

Тадбирда узоқ муддатлардан буён тугатилмасдан 277,5 млрд. сўм солиқ қарзига эга 762 та корхоналарга иқтисодий судлар томонидан тайинланган суд бошқарувчилар тақлиф этилиб, уларнинг ҳисоботлари эшитилди.

Суд бошқарувчилари томонидан ундирилиши умидсиз бўлган солиқ қарзини банкротлик таомили орқали тугатиш бўйича жорий йилнинг ўтган биринчи ярим йиллигида амалга оширилган ишлар сарҳисоб қилиниб, йўл қўйилаётган камчиликлар танқидий кўриб чиқилди.

Хусусан, Тошкент шаҳрида 82 та корхонада 69,8 млрд. сўм солиқ қарзи, Наманган вилоятида 265 та корхонанинг 58,3 млрд. сўм ва Сурхондарё вилоятида 21 та корхонада 50,7 млрд. сўм солиқ қарзи 3 ойдан ортиқ муддатда тугатилмасдан турганилигига эътироз билдирилиб, уларни тугатиш бўйича аниқ муддатлар белгилаб олин- ди.

Шунингдек, 2017 йил 30 декабрда Ўзбекистон Республикаси Қонунига киритилган ўзгариш ва қўшимчаларга асосан жорий йилнинг 1 январидан бошлаб яқка тартибдаги тадбиркорлик мақоми йўқотган жисмоний шахсларнинг солиқ қарзини банкрот- лик таомилини қўллаш тартиби белгиланди.

Ушбу тоифадаги яқка тартибдаги тадбиркор мақоми йўқотган 30,7 млрд. сўм солиқ қарзига эга 5 минг 123 нафар жисмоний шахсга нисбатан банкротлик ишлари очилди бўйича иқтисодий суд- ларга аризалар киритилиши ва уларга суд бошқарувчилари тайин- ланишида қўшимча равишда яна 550 нафар солиқ органи ходим- ларига 4-тоифали суд бошқарувчиси аттестатини олиш учун мах- сус ўқушларни ташкил қилиш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ри- вожлантириш давлат қўмитасига тақлиф киритилди.

Бундан ташқари, йиғилишда бугунги кунда ўз ечимини топмас- дан келаётган Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2013 йил 31 майдаги 2463-сон билан рўйхатдан ўтган Ўзбекистон Рес- публикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг “Дав- лат рўйхатидан ўтмасдан тадбиркорлик фаолиятини амалга оши- рувчи жисмоний шахслардан қатъий белгиланган солиқни унди- риш тартиби тўғрисида”ги Низом билан солиқ органлари томони- дан жисмоний шахсларга йиллик қатъий белгиланган солиқларни ҳисоблаб, уларга ҳисобланган солиқлар тўланмасдан келинган оқибатида 9 минг 460 нафар жисмоний шахсда мавжуд 34,4 млрд. сўм солиқ қарзини ундирилишида учраётган муаммолар муҳокама этилиб, тегишли тавсиялар ишлаб чиқилди.

Зокрижон ШАРИФЖОНОВ

ЮНИСЕФ БИЛАН ҲАМКОРЛИК МАСАЛАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Мамлакатимизда аёллар репродуктив са- ломатлиги, бола ҳуқуқлари ва манфаатлари- ни таъминлаш мақсадида халқаро ҳамкор- ликни кенгайтириш бўйича амалий чора-тад- бирлар ишлаб чиқилган. Патронаж ҳамшира- ларининг билим ва малакасини оширишда ЮНИСЕФ билан ҳамкорликда тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

– Мамлакатимиздаги 10 мингга яқин умум- таълим мактабиде 5 миллиондан зиёд ўқувчи таълим олади, – деди халқ таълими вазири Ш.Шерматов. – Бу эса соҳага алоҳида эъти- борни талаб этади. Шу маънода юртимизда кейинги йилларда таълим тизимини тубдан такомиллаштириш, уни замон талаблари асо- сида йўлга қўйиш бўйича кўплаб меъёрий- ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Кунчи кеча Президентимиз томонидан умумий ўрта таъ- лим тизимини ислоҳ қилиш ва ривожланти- риш масалаларига бағишлаб ўтказилган йи- гишлишда ҳам ўқув-тарбия жараёнига илғор педагогик ва ахборот-коммуникация техно-

логияларини жорий этиш, ўқитувчиларнинг ижтимоий мавқеини юксалтириш орқали таъ- лим сифатини ошириш масалалари бўйича муҳим вазифалар белгиланди. Бугунги тад- бирда ЮНИСЕФ иштирокида янги вазифалар ижросини таъминлаш борасида ҳамкорликни ривожлантириш масалалари юзасидан фикр алмашдик.

Йиғилишда, шунингдек, ҳамкорликда ижти- мий химояга муҳтож оилаларга кўмак бе- риш, болаларга нисбатан зўравонлик, кам- ситиш ва бепарволикнинг олдини олиш, иж- тимоий соҳада малакали кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш каби муҳим ма- салалар атрофида муҳокама қилинди.

– Учрашувда Ўзбекистон билан ЮНИСЕФ ўртасида ҳамкорликда рўйбга чиқарилган лойиҳалар ва ташаббусларни сарҳисоб қил- дик, – деди А.Хон. – Ўртаингиздаги ижтимоий ўзгаришлар ва ислохотлар муносабатлари- мизни янада ривожлантиришни тақозо қил- моқда.

Малоҳат ХУСАНОВА, ЎЗА мухбири

ОБОД ХОНАДОН – ЮРТ КЎРКИ

Миллий матбуот марказида Ўзбекистон истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси томонидан “Обод хонадон – юрт кўрки” лойиҳаси доирасида амалга оширилган ишларга бағишланган матбуот анжумани ўтказилди.

Давлатимиз раҳбарининг жо- ри йил 29 мартдаги “Обод қишлоқ” дастури тўғрисидаги Фармони ижроси доирасида Ўзбекистон истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси томони- дан аҳолининг турмуш мада- риятини юксалтириш, жойларда амалга оширилаётган кенг кам- ровли бунёдкорлик ишларига муносиб ҳисса қўшиш, ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳолининг турмуш шароитини яхшилашга кўмаклашишга қаратилган “Обод хонадон – юрт кўрки” лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Лойиҳадан қўзланган мақсад кам таъминланган, боқувчисини йўқотган, имконияти чекланган, ноғиронлиги бўлган шахслар ҳолидан хабар олиш, уларга иж- тимоий ва ҳуқуқий жиҳатдан кўмак бериш, ҳаётга, яшашга бўлган қизиқишларини ортти- риш, ижтимоий фаоллик сари етаклаш, мавжуд имкониятлар- дан оқилона ва самарали фой-

даланган ҳолда тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйишлари учун ёрдам кўрсатишдан иборатдир.

Федерация томонидан жой- ларда сайёр чиқишлар орқали аҳолининг муаммоларини ўр- надиш ва уларни тизимли бартараф этиш мақсадида халқ би- лан мулоқот кунлари мунтазам равишда ўтказиб келинмоқда.

Жорий йилда ўтказилган уч- расувлар давомида юртимиз- нинг чекка ҳудудларида истиқо- мат қилаётган, кам таъминлан- ган, ижтимоий химояга муҳтож, яшаётган уйи авария ҳолатида бўлган 12 та хонадон ташлаб олиниди ва Федерация маблағ- лари ҳисобидан обод ва кўркем уйлارга айлантирилди.

– Бизга кўрсатилган эъти- бор ва ғамхўрликдан бениҳоя хурсандимиз, – дейди Тошкент вилояти, Оҳангарон тумани “Марказий кўрган” маҳалласида истиқомат қилувчи Бойтурсин Сайфуллаев. – Президентимиз-

га, федерация раҳбарларига катта раҳмат айтаман. Уларнинг эътибори туфайли уйлариимиз обод ва файзли бўлди. Ҳаётга, яшашга бўлган қизиқишим яна бир қарра ошди.

Лойиҳанинг яна бир муҳим вазифаларидан бири аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш ор- қали уларни боқимандалик кай- фиюватида чиқариш, тадбиркор- лик фаолиятини йўлга қўйишлар- ни учун зарур шарт-шароитлар- ни яратишга кўмаклашишдан иборат. Бу борада ҳам бир қатор амалий ишлар қилинди. Иссиқхоналар барпо этилди, паррандачиликни ривожланти- риш учун имкониятлар яратил- ди.

“Обод хонадон – юрт кўрки” лойиҳаси доирасида амалга оширилаётган хайрли ишлар ҳудудлар ободлигига, ижтимоий химояга муҳтож одамларнинг хурсандчилигига, уларнинг фа- ровонлигига хизмат қилади.

Абдували СОДИКОВ

БМТ РЕЗОЛЮЦИЯСИ – ЎЗБЕК ДИПЛОМАТИЯСИНИНГ ТАРИХИЙ ЮТУҒИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Европа, Шимолий ва Жанубий Америка, Осиё ва Аф- риканинг 55 мамлакатаи ушбу резолюция хаммуаллиф- лари бўлди. Ҳужжатни ишлаб чиқиш бўйича маслаҳатла- шуларда Марказий Осиёнинг барча етакчи ҳамкор дав- латлари, жумладан, Россия, Хитой, АҚШ ва Европа Ит- тифоқи мамлакатлари фаол ва конструктив иштирок этди. Бу шубҳасиз Марказий Осиёнинг яхлит минтақа сифати- да ривожланишида муҳим босқичдир.

Владимир НОРОВ, Ўзбекистон Республикаси Президентини ҳузуридаги Стратегик ва минтақалар- раро тадқиқотлар институти директори:

– Ҳужжатда минтақа мамлакатлари томонидан Марка- зий Осиёда барқарорлик ва иқтисодий ҳамкорликни мус- таҳкамлашга қаратилган саъй-ҳаракатлар ва ташаббуслар- ни БМТ Бош Ассамблеяси қўллаб-қувватлаши баён этилади. Минтақанинг асосий муаммолари бўйича Мар- казий Осиёдаги 5 давлатнинг умумий позицияси белги- ланган. Хусусан, Марказий Осиёда хавфсизликни мустаҳ- камлаш, сув ва энергия манбаларидан унумли фойдала- ниш, экологик муаммоларни ечиш, транспорт ва транзит тизимини ривожлантириш каби соҳаларда минтақавий ҳам- корликни кенгайтириш муҳимлиги қайд этилади.

Бугунги кунда Марказий Осиёда барқарор ва самара- ли ҳамкорлик учун барча зарур шарт-шароит мавжуд. Юқори технологияга асосланган ишлаб чиқаришни яна- да ривожлантириш, ағросаноат сектори ва туризм соҳа- сини такомиллаштириш, иқтисодийнинг реал сектори- га йирик хорижий инвестицияларни жалб этиш учун ул- кан салоҳият бор. Шу ўринда қайд этиш жоиз, ўтган бир-икки йил давомида айнан Марказий Осиё давлатла- ри ўртасида ўзаро савдо айланмаси 20-30 фоизга ошди. Баъзи қўшни давлатлар ўртасида эса бу кўрсаткич 70 фоизгача ўсди.

Абдужаббор АБДУВОҲИДОВ, Ўзбекистон Респу- бликаси ташқи ишлар вазирининг унвирсатери, Жа- хон иқтисодиёти ва дипломатия унвирситети рек- тори:

– Ушбу резолюциянинг бир сөздан қабул қилиниши Президент Шавкат Мирзиёев раҳнамолигида амалга оши- рилаётган очик ва конструктив ташқи сиёсат туфайли Марказий Осиёда шакланган мулкка янги, ўзаро ишонч муҳити халқаро миқёсда кенг эътироф этилаётганидан далолат беради. Халқларини минг йиллик биродарлик ва яхши қўшнилик ришталари, муштарак тарих, дин, маданият ва аъёналар боғлаб турган Марказий Осиёда тинчлик, барқарорлик ва изчил тараққиётни таъминлаш Ўзбекистон ташқи сиёсатининг асосий устувори йўнали- ши ҳисобланади.

Резолюция Марказий Осиёнинг умумий муаммоларни биргаликда ҳал қилиш, тараққиёт ва фаровонлиқни таъ- минлашга қодир яхлит минтақа сифатида шаклланиши- да муҳим босқич бўлиб хизмат қилиши шубҳасиз.

Нурилло НАСРИЕВ, ЎЗА мухбири

ИНВЕСТИЦИЯ ВА ҚУРИЛИШ ФАОЛИЯТИ КЕНГАЙТИРИЛМОҚДА

Ҳозирги кунда Республикаимизда жамият ҳаётининг барча соҳалари, шу жумладан, иқтисодиётни эркинлаштиришга қаратилган тадбирлар амалга оширилмоқда.

Ташқи иқтисодий сиёсатни эркинлаштириш ислохотларини амалга ошириш имкониятларини кенгайтиради.

Биринчи навбатда, тўғридан-тўғри хорижий инвести- цияларни жалб қилиш, бунинг учун зарур инвестицион муҳит ҳамда хорижий инвесторлар учун кафолатларни яратиш – миллий иқтисодиётнинг тизимли таъминла- ши ва ишлаб чиқариш модернизациясининг экспорт ўсиши ва импорт ўрнини босиш таъминлашининг му- хим шартларидандир.

Хусусан, пойтахтимизда асосий капиталга ўзлашти- рилган инвестициялар жорий йилнинг январь-июнь ой- ларида 10039,0 млрд. сўмни ташкил этди. Бу ўтган йил- нинг мос даврига нисбатан 138,0 фоизни ташкил этди.

Асосий капиталга киритилган инвестицияларни иқти- содий фаолият турлари бўйича йўналишларини тахлил қилганда бўлса, саноат соҳасига 2384,3 млрд. сўмни (жамига нисбатан 23,8 фоизни), транспорт соҳасини ри- вожлантиришга 1936,3 млрд. сўмни (жамига нисбатан 19,3 фоизни), алоқа соҳасига 243,1 млрд. сўмни (жамига нисбатан 2,4 фоизни), қурилиш соҳасига 317,6 млрд. сўмни (жамига нисбатан 3,2 фоизни), уй-жой қурилиши соҳасига эса 1847,1 млрд. сўмни (жамига нисбатан 18,4 фоизни) ташкил қилди.

Асосий капиталга киритилган инвестициялар молия- лаштириш манбаларига эътибор қаратса, бюджет маб- лағлари 500,0 млрд. сўмни (жамига нисбатан 5,0 фоиз- ни), корхоналарнинг ўз маблағлари 4027,9 млрд. сўмни (жамига нисбатан 40,1 фоизни), аҳоли маблағлари 630,6 млрд. сўмни (жамига нисбатан 6,3 фоизни), хорижий инвестиция ва кредитлар 1112,1 млрд. сўмни (жамига нисбатан 11,1 фоизни), тижорат банк кредитлари ва бошқа қарз маблағлари 2519,7 млрд. сўмни (жамига нисбатан 25,1 фоизни) ташкил қилди.

Тошкент шаҳри ҳисобот даври бўйича хорижий инвес- тия ва кредитлар 1112,1 млрд. сўмни ёки 138,4 млн. долларни, тўғридан-тўғри кириб келган хорижий инвести- циялар ва кредитлар 1030,1 млрд. сўмни ёки 128,3 млн. долларни ташкил этди.

Шунингдек, йирик ташкилотлар томонидан қурилиш ишлари ҳажми 1097,1 млрд. сўмни ёки ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 111,7% ни ташкил қилиб, ўтган ойдаги ўсиш суръатига нисбатан 17,7% пунктга камайдди.

Мос равишда, кичик корхона ва микрофирмалар 2154,0 млрд. сўм ёки 116,9% ни ҳамда норасмий сек- тор 768,2 млрд. сўм ёки 97,9% ни ташкил этди.

Туманлар кесимида қурилиш ишларининг катта қисми Миробод туманида бажарилган бўлиб, шаҳарда бажари- лган жами қурилиш ишларининг 18,0%ини, Мирзо Улуғбек туманида бажарилган қурилиш ишлари эса 14,3%ни, Чилонзор туманида 13,7%, Юнусобод тумана- нда 9,2% ва Яқкасарой туманида 8,7%ни ташкил этди.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича қурилиш ишларининг асосий қисми, яъни 60,9%ни қурилиш лойиҳа- ларини ишлаб чиқиш, турар жой ва яшаш учун мўлжал- ланган бинолар қуриш ҳамда яшаш учун мўлжалланма- ган биноларни қуриш бўйича амалга оширилган қури- лиш ишларидан ташкил топди. Фуқаролик объектлари қурилиши ва иқтисодлаштирилган қурилиш ишлари ҳажми ҳам ўтган йилга нисбатан кўпайган ҳолда жамига нисбатан 39,1%ни ташкил қилди.

Албатта, ушбу рақамлар мамлакатимизнинг, хусусан, Тошкент шаҳрининг иқтисодий фаровонлигига хизмат қилувчи омиллар ҳисобланади. Мазкур рақамлардан қўзланган пировард натижа эса, пойтахтимизнинг ишга лаёқатли аҳолисини муносиб иш жойлари билан таъ- минлаш, қолаверса, халқимиз турмуш даражасини юқорига кўтаришдек эзгу ва олий мақсадлар ётқибди.

Тошкент шаҳар Статистика бошқармаси

“Обод маҳалла” дастури – амалда

Мамлакатимизда “Обод маҳалла” дастури доирасида кўплаб ижобий ишлар амалга ошириляётганининг гувоҳи бўлмоқдамиз. Дастур доирасида маҳаллалар, кўчалар, аҳоли турар жойлари, ижтимоий соҳа объектлари, анҳор ва каналлар атрофи ободонлаштирилмоқда. Аҳоли ҳолидан хабар олиниб, уларнинг яшаш тарзи, шарт-шароитлари ўрганиляптир. Мавжуд муаммо ва камчиликларни бартараф этиш бўйича чоралар кўрилмоқда.

ҲАР БИР ИШДА БАРЧАМИЗ МАСЪУЛМИЗ

Бу борадаги ишлар пойтахтимизда ҳам кенг қўламада олиб борилмоқда. Республика ишчи гуруҳи томонидан Тошкент шаҳрида “Обод маҳалла” дастури доирасида ўрганишлари давом эттирилмоқда. Масалан, ўрганишлар жараёнида ёнги хавфсизлигига тааллуқли 457 та камчилик аниқланган бўлса, уларнинг 438 тасини бартараф этишга эришилган. Мисол учун, худудлардаги 104 та сунъий тўсиқ ва панжаралар олиб ташланди. 100 га яқин майдондаги тез ёнғич қиқиндилар тозаланиб, белгиланган жойга олиб чиқиб кетилди. Носоз ва таъмирталаб бўлган 70 та газ ва электр мосламалари таъмирланди. Шулар қаторида жойлардаги қуриган дарахт шохларини буташ ва шакл бериш ишлари олиб борилди. Тадбирлар давомида профилактика ишлари алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ёнги хавфсизлиги хизмати инспекторлари маҳалла фаоллари билан биргаликда уйма-уй юриб, 30 мингдан ортиқ хонадонда тушунтириш ишларини ўтказишди. Ёнги муҳими, ўрганиш жараёнида маълум бўлган муаммоларни ҳал қилиш соҳа ходимларининг устувор вазифаси сифатида белгилаб олинган.

Учтепа туманидаги “Ўрикзор” улгуржи бозори ёнидаги канал атрофи қиқиндихонага айланган эди. Бу ерда қурилиш ва маъиший қиқиндилар шунчалик кўп эдики, гўё уларни тозалашнинг имкони йўқдек туюларди. Олиб борилган саъй-ҳаракатлар натижасида икки ҳафта муддатда канал атрофи қиқиндилардан тозаланиб, одамларнинг сайр қилиб дам олишлари учун янги йўлак ҳам барпо этилмоқда.

Тумандаги 22-мавзе, 10-уйнинг ертўласи ҳам ачинарли ҳолатда эди, қуворлар эскирган, ертўлада доимо сув бўлиб, аҳоли майда хашаротлардан азият чекиб келган. Бу ерда ҳам кўрилган чоралар натижасида ертўла сувдан тозалан-

ди, қуворлар янгисига алмаштирилиб, санитар ҳолат яхшиланди. Шунингдек, ишчи гуруҳ томонидан 7-уй, 74-хонадон эгаси, меҳрибонлик уйи тарбияланувчиси бўлган фуқаро Турғун Мусаевнинг анча эскириб қолган уйи таъмирлаб берилди.

Туманинг Гулистон мавзесидаги 52, 57, 58-уйларнинг ертўласини сув босганлиги ҳақида аҳоли мурожаат қилган. Хозирда бу ердаги сув чиқарилиб, қуворлар янгиланган.

– Ертўламизда ташқарида жуда кўп миқдорда сув кириб кетган эди, – дейди шу уйларнинг бирида яшовчи Мавлуда Орипова. – Шунингдек, канализация тармоқлари эскириб, оқова сув ҳам оқиб қиради. Бунинг натижасида атрофга қўланса хид тарқалар, турли хашаротлар кўпайиб, одамларга қийинчилик туғдира бошлади. Ёнги хавфсизлиги ходимлари томонидан ертўладаги сувлар тозаланиб, канализация тармоқлари яхшиланди. Энди қўланса хиддан, чивин ва пашшалардан буткул қутилдик. Барчаси учун миннатдорим.

Аммо айрим мутасаддиларнинг бепарволиги сабаб ташқаридаги асосий қуворлар таъмирталабличига қолган. Сув босими қуйайган пайтда ертўла ана сувга тўлиши мумкин.

Сергеи тумани, Қумарик 3-бекр кўчаси, 4-уйда руҳий хаста бўлиб яшовчи Алфиди Мухторовнинг уйида содир бўлган ёнғич хонадон эгаларига анчагина зарар келтирганди. Айни пайтда бу ерда туман ёнғич хавфсизлиги хизмати хомийлигида таъмирлаш ишлари бошлаб қўрилган. Шунингдек, “Дарё бўйи” маҳалласи яқинидаги қабристонда ҳам тозалаш ва ободонлаштириш ишлари олиб қўрилмоқда.

Ишчи гуруҳ томонидан Бектемир тумани “Олтинтопган” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидаги 5-уй, 1-хонадон



йиғилиб қолган қиқиндилардан тозаланиб, унинг санитария ҳолати яхшиланди.

Миробод тумани, “Наврўз” маҳалласидаги Сарикўл 5-тор кўчаси, 4-уйда ҳам аҳвол жуда аянчли ҳолатда эди. Бир мунча муддат олдин бу уйда ёнғич қиқинчилиги натижасида уй абгор ҳолатга келиб қолган. Уй эгалари эса ижтимоий ёрдамга мўхтож. Хозирда ишчи гуруҳ томонидан маъзур уй маъиший қиқиндилардан тозаланиб, таъмирлаш ишлари бошлаб қўрилган.

Олмазор тумани, Иброҳим ота маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидаги 12- ва 5-уйлар ораллиғидаги газ қувири ҳам ёнғич хавфсизлиги техникаларининг ҳаракатланишига ҳалак берад эди. Шунингдек, туманинг Чукурсой 1-тор кўчасидаги электр узатиш симлари талаба ҳам обод бермасди. Шу ва бошқа муаммолар ишчи гуруҳ томонидан ўрганиб чиқилиб, тезда бартараф этилди.

– Бу жойларда илгари юриб бўлмасди, кўчалари қоронғи ва жуда аянчли аҳволда эди, – дейди уйлардан бирида истиқомат қилувчи Матлуба Шарипова. – Бирор-бир таксига ўтириб, манзилни айтсангиз ҳайдовчилар йўлниги ёмонлиги боис бу ерга келишдан бош тортарди. Кўрсатилган эътибор тўғрисида бу жойлар ҳам обод масканлардан бирига айланди. Аввало, Президентимизга ва бу жойларни обод қилган мутасаддиларга ўз миннатдорлигимизни билдирамиз.

Гувоҳи бўлганимиздек, пойтахтимизнинг барча худудларида “Обод маҳалла” дастури доирасида ишчи гуруҳ томонидан мавжуд муаммо ва камчиликлар ўрганилиб, уларни бартараф қилиш юзасидан ишлар қизғин давом этмоқда. Ўрганишлар давомида бир нарсанинг гувоҳи бўлдики, кўплаб фуқароларимиз ўз яшаш жойларига, маҳаллаларининг тозалигига бефарқ ва безътиборлар. Шу ўринда яна бир нарсани таъкидлашни истардикки, маҳаллалар ободлиги, хонадонларнинг ораста ва файзли бўлиши учун фуқароларнинг ўзлари ҳам масъулият билан ёндашмоғи лозим. Шундагина пойтахтимизнинг янада обод ва гўзал бўлишига ҳисса қўшган бўламиз.

(Ўз муҳбиримиз)

ИЖОДИЙ МАҲОРАТ ВА МУЛОҚОТ МАЙДОНИ

Маданият вазирлиги ва Театр арбоблари уюشمаси билан ҳамкорликда Ватаннимиз мустақиллигининг 27 йиллигига бағишлаб ташкил этилган Ўзбекистон қўғирчоқ театрларининг XI кўрик-фестивали якунланди.

Маъзур тадбир юртимиз қўғирчоқ театрлари фаолиятини атрофлича таҳлил қилиш имконини бергани билан аҳамиятли бўлди.

Беш кун давомида томошабинлар энг сара спектакллардан баҳраманд бўлди. Фестиваль доирасидаги “Ўзбекистон қўғирчоқ театрлари: кеча ва бугун” мавзудаги илмий-амалий конференцияда жамоалардаги режиссура, спектакллардаги сахна нутқи каби масалалар атрофлича муҳокама этилди.

Тадбир якунида кўрик-фестиваль голиблари диплом ва эсдалик совғалар билан тақдирланди.

Н.УСМОНОВА

ОИЛА — ДАВР ЭВРИЛИШИДА

Мухр босилди. Унинг зарбидан столгина эмас, еру кўк ларзага келди. Буни биров сезди ё сезмади. “Тамом бўлди”, гудранди эр. Лабини қимтиб, кўзида айланган ёшнинг гурур тўқтирмаган аёл оғир ва мағрур хонадан чиқди. Улар бир-бирига тўғри келмабди. Қутулдилар. Ташқаридан нур оқиб қираётган, йўлак ҳам иккига ажралган ҳув анови дереза олдидаги икки норасида эса...

Жамиятнинг соғлом бўлиши оиладаги муҳитга боғлиқ. Бу ўзгармас ҳақиқат. Зеро, ҳар қачон оила, қариндош-уруғ, қўн-қўшни муносабатлари жамиятнинг жон томирлари бўлиб келган. Унинг тарққиёти ҳам, таназзули ҳам айна шуларга баҳдор. Бугун қай бир соҳада ривожланиш шиддат билан кечмасин, эврилишлар даврида ҳам ота-она, эр-хотин, фарзандлар, қайнона-қайнота ақоладари муҳим. Шу боис, оилавий ажримлар, келишмовчиликлар, ака-ука, опа-сингил, ота-бола, қайнона-келин муносабатларидаги нохуш ҳолатлар сони ортиётгани кишини хавотирга солади. Айниқса, кейинги пайларда оилавий низоларнинг жиноят билан якун топаётгани, қуч шиллатиш ҳолатлари, ажримлар сонининг ортиб бораётгани бу борада маълум бир чора-тадбир қўришни талаб қилмоқда.

Маъзур масала кеча ёки бугун муҳокама қилинаётгани йўқ. Бу милаят эртасига дахлдор мавзу бўлгани учун ҳам ҳар қачон, ҳар ерда долзарб аҳамият касб этган. Бироқ унинг ечимига ёндашув турлича.

Дунёнинг айрим мамлакатларида оила институти, ёшларни оилага тайёрлаш, ажримлар, низоларни бартараф этиш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқилганки, улар тажрибасини ўрганиш бу каби муаммоларга ечим топишда миллий концепцияни ишлаб чиқиш имконини беради.

Татаристон Республикасидаги таълим муассасаларида 2013 йилдан буён “Оила юритиш сабоғи” дарслари ўтиб келинади. Бу лойиҳа бугун Россия бўйлаб ҳам кенг қўлаб ёймоқда. Ҳафтада бир марта ўтказиладиган дарслар давомида оила аъзоларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, оила тутуми ва бюджетини шакллантириш масалалари, бола парварлиши, фарзанд асраб олиш ёки қарамоғига олиш шартлари каби масалалар ёшларга тушунтириб борилади.

Шу ўринда бу тажрибани ўзимизда қўллаш оилавий муносабатларни тартибга солишдаги миллий ёндашувнинг бир қисми бўлиши мумкинлигини таъкид қилган ҳолда, оиланинг ижтимоий ҳолатига бевосита таъсир кўрсатаётган бошқа омиллари ҳам ёдда сақлаш кераклигини таъкидлаш даркор.

– Жамият ҳаётида рўй бераётган ҳар бир жараён оила институтига бевосита таъсир кўрсатади, – дейди социолог Наргиза Алимова. – Урбанизация ва миграция ана шундай омиллardan биридир. Илгарилари кўп фарзандлик, икки ва ундан ортиқ авлод вақиларининг биргаликда яшаш оилавий кадрларнинг асосини ташкил қилган бўлса, бугун шаҳарлаш ҳақида миграция таъсирида бундай аънаёларга пугур етмоқда. Эндиликда кўп болалиқнинг ўрнини икки ёки бир фарзандлик эгаллаб, ёш оилаларнинг алоҳида ҳаёт кечирishiга бўлган иштишти ортиб бормоқда. Аслида муаммо бунда эмас. Ривожланиш бир ерда тўхтаб қолмаслиги инкор этиб бўлмас ҳақиқат. Гап ана шундай ўзгаришдан замонда оила аталмиш қўғонининг бутлигини сақлаш учун замон руҳига мос аниқ режалар ва ечимлар илгари сўриллаётганида. Шу маънода, Президентимиз Шавкат Мирзиёев 4 июль кунги ёшлар масалаларига бағишлаб ўтказган видеоселектор йиғилишида оилавий ҳаёда юзага келиши мумкин бўлган салбий ҳолатларга қарши курашишда манзилли ишлаш тизимини жорий этиш кераклигини таъкидлаганда ҳам эҳдилади.

Ёши улғурлар тилидан айтчиладиган “Хозирги ёшлар қийинчилик нималигини билишмайди” мазмундаги эътирозлар кунора қулғимизга чалинади. Уларнинг қарашларини инкор қилмаган ҳолда, бугунги кун ёшларининг ҳам ўз муаммолари ва ўй-ташвишлари борлигини унутмаслик керак, назаримда. Боиси бир томондан аънаёна кадрлар, бошқа томондан эшик қоқмай бостириб келаятган глобаллашув асрида ҳаётий масалани аниқламай, кенг дунёқараш учун етарли билимга эга бўлмай аросатда қолиш эҳтимоли юзори. Демокчи бўлганимиз, мустақкам оила учун пойдевор қураётиб, давр такозо этаётган – ҳуқуқий илмий, мажбурият ва масъулият каби жиҳатлар ҳам инобатга олинса нур устига аъло нур бўларди.

Моҳира ОТАБОЕВА, ЎЗА

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

“Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти “Темир йўл обод” мажмуасига жорий йилда Германия давлатидан сентиментал зотиға тегишли қорамоллар олиб келиниши, шунингдек, сутни қайта ишлаш цехи (10 тонна, сут, қаймоқ, пишлоқ в.к.) молларни соғиш зали Германия ускунасини (24,28 талик) ва гўшти қайта ишлаш цехи (кунга 0,5, 1 тонна ишлаб чиқаришни) сотиб олиш бўйича ҳужуқли юртивчи субъектлардан тижорат тақдирларини қабул қилди. Манзиллар: Toshkent sh., 100060, T.Shevchenko ko'chasi, 7. Tel. 236-48-56, 236-48-64, fax 256-16-59 Email: uhs@railway.uz

Фахриддин СОДИК, ЎЗА

Жиноят ва жазо

ПОРА ОЛГАН МАНСАБДОР ЖАЗОГА ТОРТИЛДИ

Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи “Ватанпарвар” ташкилотининг Тошкент шаҳар кенгаши тасарруфидаги “Олмазор ўқув спорт техника клуби” унитар корхонаси бошлиғи З.М. фуқаро Б.Х.га ўқув машғулотларига келмаса ҳам чора кўрмаслик ва топширилиш лозим бўлган саломатлик тўғрисидаги тиббий маълумотномани олишда ёрдам беришни ваъда қилди.

Бунинг эвазига 2018 йил 12 март кун 300 минг сўм ҳамда 100 АҚШ долларини пора тариксида олаётган вақтида ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари томонидан қўлга олинди.

Ушбу ҳолат юзасидан Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Олмазор тумани суди томонидан кенг жамоатчилик вакиллари иштирокида сайёр суд мажлиси ўтказилди.

Суд ишида судланувчи барча айбига иқдор бўлди. Гувоҳларнинг ҳолат юзасидан кўрсатилган эътилоди, Тўпаланган далиллар яна бир бор қўздан кечирилиб, судланувчига ҳукм эълон қилинди. З.М.га нисбатан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг тегишли моддаси билан қонунда белгиланган тартибда жазо тайинланди. Унинг аввал судланмагани, қарилмидан чин қўнгилдан пушаймонлиги инобатга олинди.

– Пораўрлик, коррупция жамият тараққиётига гав бўлувчи энг ёмон иллатлардан ҳисобланади, – дейди ЎЗА муҳбирига Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Олмазор тумани суди судьяси М.Обидов. – Бу каби салбий ҳолатларнинг оқибати яхшилик билан тўғмаслигини аҳолига тушунтириш зарур. Жойларда ўтказиляётган тарғибот тадбирларида ҳам маъзур муаммога алоҳида эътибор қаратганмиз. Шунингдек, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришда пораҳўрлик ва коррупцияни йўқ қилишга қаратилган ижтимоий видео роликлар ҳам намойиш этилмоқда.

Соҳа мутахассислари томонидан фуқароларга бу каби ҳуқуқбузарлик ва жиноятларнинг оқибатлари ҳақида тушунча берилди. Туманда коррупцияга қарши курашиш ва унинг олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар хусусида фикр алмашилди.

А.МУСАЕВ

Хаммаси кўз ўнгимизда: бугун жамиятнинг “қумирламаган” жаҳбаси қолмади. Уйғониш ва фақат уйғониш билан ифодалаш мумкин буни. Болалигимизда катталарнинг бир гапи бўларди: бола зоти қув бўлади, уйғонганидан кейин ҳам туришга эриниб, ота-онаси тайинлаган ишларини қилишни ўйлаб, эринганича пича чўзилиб этади.

Айни шу эриниқликни энгиб туришинг керак, бола! Фақат уйғониш билан иш битмайди – ҳамма гап ўриндан тура олишингда! Шу тахлит гаплар эшитилаверганидан кейин қув бола аста-секин улғаяди, қўрган-билганлари билан вояга етади. Қўрган-билгани нима бўларди, дерсиз – ўша аста-секинликнинг ҳам мейёри борлигини билиш бу. Шу мейёрдан кейин “аста-секинлик”дан дарак қолмаслиги, бар-часи ҳаракатга, шижоатли ҳаракатга айланишини англаш бу.

Не ажабки, жамият ҳам шундай одамга ўқшайди. Табиат эса ўзининг табиийлигини намоен қилиш билан андармон. Бугунги кунда жамиятнинг қўпига катталаридек шундай ҳолат – уйқудан уйғонишга уйғонган, лекин қўпига-диган ишлар қўпига оид тасаввур залворидан, “кўз қўрқоқ қўл боғир” бўлишига қадар муддатдаги ўриндан туришгача бўлган ҳолат кузатиляётганга ўқшаб кетади.

Бунда раҳамоннинг шижоати алоҳида аҳамият касб этаётгани шубҳасиз. Бу шижоатнинг ёқимли “юқумлилиги” эса теран ислохотларни, қўларни қувнатувчи манзараларни яратди – оддийликка, кундаликка қўнққан фикрлар тарзида фавқуллода моҳият пайдо бўлади.

Хазилакам жараён эмас бу. Аслида шундай бўлиши керак эди. Қўз шунчаки қувнайвермайди, бунинг учун, аввал, ўзани қийнаган одамнинг ақли шобиб қолиши керак бўлади, тафаккурдаги шу ўзгаришлардан кейин яратувчан фаолиятдан завқ олади одам. Шижоатнинг ёқимли “юқумлилиги” ҳам айна шу жараёнда – элу юртинг бугунги бахти йўлидаги курашга айланади.

Халқ таълими вазири милаят миксидеги фикрларини асослади – тақлиф сифатида баён қилди. “Фонз” эмас, “барвар” миксда қўрилиши керак бўлган касб фаолияти ва турмуш тарзини аниқ мисоллар билан ифодалаб берди. Оммавий ахборот воситаларини кузатган, ижтимоий тармоқларга кирган-қўрган билади, бу жараён бугун барчаннинг фалқ кузатувида, барчаннинг кўз ўнгидаги “қимирлаш”дан “юксалиш”га қўчаётган саъй-ҳаракатлар умумэйтирофида намоен бўляпти.

Ушбу сатрлар муаллифи ҳам, кўп қитори, шу жараён ичра кўз қўраётган, қулққ эшитаётган ўзгаришлардан гоят мутаассирдир. Ўз-ўзидан эса тушган ҳаётий манзаралар беихтиёр олисарга, тўғрироқ, йиллар ортидаги ўсимнинг мустақил ҳаётдаги илк қадамларига олиб кетади. Уқишга кириш учун шаҳарга келивери, икки йилда икки марта йилқилган абитуриент, учинчи йили кундузги бўлимада йўқдан баллари билан сиртки ўқишга илиниб қолгани ёдга тушади.

...Сиртки бўлим талабаси ўзича сиртдан ўқишни ўқиш, деб билгаси келмас, унинг тасаввурдаги ҳақиқий ўқиш – қўни билан қайнаб-қайнаб билим олиш дегани эди. Ич-ичида гўжур бор эди унинг, гажирилгидан шундай бўларди – бошқа бирор сабабнинг ўзи йўқ. Кейинчалик билиб қолди, гўжурнинг, гажирилкнинг ҳам бўлгани яқши экан. Гўжур йўқ одамлардан ўрганди буни – нимасини айтсин, илимлик, юмшоқ супурги одамлар ҳам кўп-да бу ҳаёда.

Хуллас, сиртки бўлим талабаси, қишлоққа навбатдаги “шармандали” қайтганида, барибир ўқишни кундузига ўтказишнинг керак, деб ич-ичида еб юрган қўларнинг бирида қишлоқдаги мактабдан ажралиб чиққан қўшни қишлоқ-

даги янги мактаб директори Шакарбой ака Қаршибоев уни бир кеп кетсин, дебди. Гап бор дебди. Сиртки бўлим талабаси директорнинг олдиға борди. Директор бир пайтлар уни ўқитганди.

– Менга ишга келсанг, дегандим, мана, ўқишга кирган бўлсанг... Мактабда қимнинг қандай ўқганини биламан. Бизда “Болалар ва ўсимлар етакчиси” ўрни бўш. Албатта, ишинг кўп бўлади, осон эмас, осон жойда нон йўқ, кейин ҳаммасини вазиятга қараб қўраверарди, бирга-бирга, – деди мактаб директори.

Сиртки бўлим талабаси ўқилиб қолганда директор:

– Отангдан сўрадим. Педагог педагогни бир қарашда тушунади, олдин отанг билан маслаҳат қилдим, бекор ўрмасин, дедим. Отангга шогирддан мен ахир. Маъзул, деди отанг. Яқши қўлсан, деди. Ана энди ўзинг айт, истасанг мактабни айлаиб қўр. Албатта, “типовой” эмас мактабимиз, бир томони – қурилишимиз давом этапти.

...Шу тариха ўзича сиртки ўқишни ҳақиқий, деб билмаган сиртки бўлим талабаси мактабда ишлаб бошлади ва тез орада мактабнинг “ҳаракатлангирувчи қўчи”га айланди. Болалар ва ўсимлар билан ишлашнинг замонавий шакллари йўлаб тоғди, болалар билан бирга янги қизқарли тадбирлар ташкиллаштирди. Узини қўрсатишга ўқувсиз бўлган,

БУГУНГИ ВА КЕЧАГИ ГАПЛАР...

қолаверса, ўзини намоен этишни кеккайиш, деб бундай қилмаслигини маъзул қўрувчи тортиноқ қишлоқ болаларига “жон киритди”. Ҳар бир сифнинг ўз редколлегиясини ташкил қилди. Деворий газетига чикара бошлади. Ҳар бир сифнингда яқши-ёмонни акс эттиришни керак эди бу деворий газетига. Деворий газетига мактаб ҳаётининг ҳақиқий кўзгусига айланди. Директор айтгани рост – қишлоқ ўртасидаги бир қаватли камтаргина янги мактабда иш кўп эди. Устига-устак мактабнинг бир корпусларига ишга туширилган, иккинчиси – асосий бино қурилиши давом этаётганди. Айни навқирон ёшдаги етакчи ишдан кейин уйга келиб, овқат еяр-емас чўзилиб қолмаганди бўлди.

– Ҳар кунги кечқурун жўралари билан кўчага чиқиб кетарди, қишлоқга бормай қўйди. Чарчапти болам бечора, – дейди онаси.

Отаси эса ўзига хос ясама қўполлик билан гудранди:

– Қўй, ишласин, бурни терлаб, ишинг ўзи бўлмаслигини билсин. Нон топиши керак-ку. Камига кечаси туриб олади – эрталабгача чирого ёниб бўлади... бир нарсаларни ёздадим бунинг, – дейди.

Бир кунги директор уни хонасига чақирди. – Олаётган пулинг шунча ишингга, тиниб-тинчимаслигингга яраша бўлмайпти. Билиб турибман, лекин иложимиз шу. Белгиланган ойлик бўлади. Лекин мен бир нарсани ўйладим – биласан, олий маълумотли мутхассис кам. Борларини бундайроқ... Бешинчи сифнинг раҳбарлигини олсан.

– Йўқ, – деди сиртки бўлим талабаси. – Менинг маълумотим ҳали олий эмас-ку? – Бувғини сўрасанг, туман халқ таълими билан маслаҳат қилдим, ўқитган бўлса, мумкин, дейишди. Ўзининг соҳанг тарих фанидан ҳам соат беришим мумкин бўлади ҳали.

Директор қолганга аниқлик киритмади. Асли шарт эмасди ҳам бу аниқлик, негаки сиртки бўлим талабасига ҳаммаси аён эди.

Бешинчи сиф болаларининг ҳаракатлари, билимга интилишлари, тадбирлардаги қилбётган ишлари рост эди. Ёлғони йўқ эди. Ёлғони йўқ жойда киши меза қилиб ишлаши ҳам рост.

– Яқши сиф, умуман олганда, ўртача ўқийдиган болалари кўп сиф, аълочилири санокли. Фақат битта ўқувчи бор, шуни эппай олсанг – ишинг беш. Ҳақ ёмон эмасдир, лекин тарбияси мундайроқ. Ўзимизнинг гап – ҳамма онасини юз-хотир қилиб, ўқийдиги шароитини ўйлаган. Аслида шу пайтгача харф танимайди. Бешинчи сифгача шундай ўтиб келган, – деди директор.

Директор шуларни айтди, ўша боланинг отини атади ва унинг онаси ҳақида гапирди. Албатта, қишлоқ жой, ахир – ҳаммага яманиш бу оила.

– Илгаридан ҳам жуда аъло эмасди... Эри оламдан ўтганидан кейин бу боланинг онаси шалқуқликда жудаям хаддидан ошган, ҳеч қайси ўқувчи у билан муроа қилолмади, гапга тушунмайди, – деди директор. – Қара-чи, шароитини кўр, эҳтиёт бўласан эди.

Сиртки бўлим талабаси сиф раҳбарлигини ўзи бўлмаслигини сал ўтиб тушунди. Аиникса, ҳалиги бола... Ҳар кунги истаган қийимда келди мактабга, энг қўзғини, папкаси бор-у дарс вақтида ҳеч нарсаси, партасида дафтарга ҳам қўрмайди. Кир-чир рўқнасини тиши орасига кистриби, ўтганининг ўрғини, кетганининг кетмонини олади.

Тарбиявий соат вақтидаям шундай бўлди. Бутун дарс давомида шу болани зимдан кузатиб турган сиф раҳбари бу дарс туғанидан кейин олиб қолди уни. Охириги соат эмасми, болалар гурура қўзғалиб уй-уйга югурди.

– Бунақада бўлмайди, мактабга келишигидан ҳеч бир маъни йўқ-ку, келмай қў қолсанг-

чи, а, Ориф?

– Сиз бундай гапларни айтмай, ишингизни қилишингиз керак?

– Нега ундай қиларканман?

– Давлат шунинг учун сизга ойлик беради-ку, муаллим.

– Сен ҳам айнан шунинг учун ўқийшинг, катта одам бўлишинг керак, бўлмасан...

– Ҳўмасан нима қиласиз, урасизми?

– Аслида урсам ҳам сенга зиён эм



Спорт янгиликлари

ИТАЛИЯЛИК МУРАББИЙЛАР ЎЗБЕКИСТОНДА

Ўзбекистон футбол ассоциацияси юртимизда футболни ривожлантириш ва янги босқичга олиб чиқиш мақсадида бир қатор футбол ривожланган хорижий мамлакатлар футбол ассоциациялари билан яқин ҳамкорликни йўлга қўйиб келмоқда.

Ўзбекистон футбол ассоциацияси 1-вице-президенти Умид Аҳмадҷонов ташаббуси билан Италия футбол ассоциацияси билан ҳамкорлик бўйича келишувга эришилган эди. Унга кўра, Италия мураббийлари ассоциацияси президенти ва Италия футбол федерацияси мураббийлар мактаби раҳбари Ренцо Уливери ҳамда Италия футбол федерациясининг Ёшлар сектори техник координатори, "Аталанта" клуби академияси мутахассиси Стефано Бонакорсолар Тошкентга ташриф буюришди.

Улар иштирокида Ўзбекистонда ҳудудий болалар ва ўсмирлар футбол академияларининг техник директорлари, мураббийлари ҳамда селекционерлари учун семинарлар ташкил қилинмоқда.

Семинарлар дастлаб академияларнинг техник директорлари учун ташкил қилинса, кейинроқ академия мураббийларига машғулот ўтказиш тартиби, учрашувларга тактик ва жисмоний тайёргарлик кўриш масалалари бўйича ўқув курслари ташкил қилинади. Семинарларнинг сўнгги кунига селекционерлар ҳам жалб қилинади.

МЕДАЛЛАР ШОДАСИ БИЛАН ҚАЙТИШДИ

Кун кеча Шри-Ланкада бўлиб ўтган Осиё чемпионатида муваффақиятли қатнашган ёш спортчиларимиз мамлакатимизга қайтиб келишди.

Уларни Ислоҳ Каримов номидаги Тошкент халқаро аэропортида тантанали кутиб олишди. Кутиб олиш маросимида Ўзбекистон миллий олимпия қўмитаси, Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, шахмат федерацияси мутасаддилари, спортчиларнинг ота-оналари ҳамда босма ва электрон оммавий ахборот воситалари ходимлари ҳозир бўлди.

Таъкидлаш жоиз, мактаб ўқувчилари ўртасида шахматнинг блиц, рапид ҳамда стандарт йўналишлари бўйича бўлиб ўтган Осиё чемпионатида 15 нафар ҳамюртимиз иштирок этиб, 36 та медални қўлга киритди.

Ботир ХУЖАЕВ

АНАЛОГ ТЕЛЕВИДЕНИЕ ТУГАТИЛДИ

1928 йил 26 июнь кун Тошкентда илк электрон телевизор намунаси муваффақиятли синовдан ўтказилиб, дунёдаги дастлабки электрон телекўрсатув тайёрланган эди. Бу жараён аналог телеэшиттиришлар даврини бошлаб бериб, янги кашфиёт бутун дунёни забт этди.

Техника тараққиётига ҳамоҳанг тарзда телевидение ҳам ривожланиб борди. Эски мосламалар ва узатгичлар ўрнини янги – янада кучли ва мукамал техника воситалари эгаллади. Телекоммуникацияларнинг жадал ривожланиши аналог телеэшиттиришларнинг янада сифатли – ер усти эфери рақамли телеэшиттиришларга ўтиш имконини яратди. Ўзбекистонда МДХ давлатлари орасида биринчилардан бўлиб рақамли телевидение жорий этилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 17 июлдаги "Рақамли телеэшиттиришларга ўтиш ва ер усти аналог телеэшиттиришларни тўхтатишга доир амалга оширилган чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига мувофиқ ишлаб чиқилган жадвал асосида Ўзбекистоннинг барча ҳудудларида ер усти аналог телеэшиттиришларни босқичма-босқич тўхтатиш ишлари амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлан-

тириш вазирлигидан маълум қилишларича, 15 июль кун Тошкентда аналог телеэшиттиришлар тўхтатилди, мамлакатимизнинг барча ҳудудларида эса, бу жараён 2018 йилнинг 5 декабригача амалга оширилади. Шу тариқа, аналог телеэшиттиришлар ватани ўзининг муҳим кашфиётларидан бири билан видолашди.

Рақамли телеэшиттиришларга ўтиш қатор омиллар билан изоҳланади.

Тасвири узатиш ва қабул қилиш жараёнида уни рақамли қайта ишлаш, янада юқори сифатга эришиш имконини беради. Янги форматда тўсиқларнинг тасвир тиниқлигига таъсири сезиларли даражада камаяди. Рақамли форматнинг афзаллиги – стереотувишлар ва товушларни 5.1 форматда узатиш имконининг мавжудлигидадир. Агар телевизорга бешта оддий ва битта паст частотали колонка уланса, уй кинотеатрини яратиш мумкин.

Мамлакатимиздаги барча аҳоли пунктларини

ПОЙТАХТ ЖАМОАЛАРИНИНГ МУВАФФАҚИЯТИ

Футбол бўйича Суперлига жамоалари ўртасида уюштирилган мамлакат XXVII миллий чемпионатининг 14-тур баҳслари пойтахт клубларига муҳим очколарни туҳфа этди.

Олмалиқда "Пахтакор" билан куч синашган АГМК жамоаси номдор рақибига муносиб қаршилик қилишга интилди. Аммо, ҳақмининг хато қарори туфайли майдон эгалари бир футболчи кам бўлиб тўп суришларига тўғри келди. Хуллас кескин курашлар остида ўтган беллашувнинг 85-дақиқасида Ж.Яхшибоев томонидан мезбонлар дарвозасига киритилган гол тошкентлик чарм тўп усталарига 1:0 ҳисобидаги галабани туҳфа этди.

Турнир жадвалида учинчи поғонада бораётган "Навбахор" Тошкентда амалдаги

чемпион "Локомотив"га 1:3 ҳисобида имкониятни бой бериб қўйди. Қизиғи, ҳар 4 та голга тошкентлик футболчиларнинг ўзлари муаллифлик қилишди. М.Бикмаев, С.Рашидов ва Т.Абдухалиқов рақиб дарвозасини аниқ нишонга олиб, жамоаси галабасига муносиб ҳисса қўшишган бўлса, мехмонлар ҳужумни қайтараман, деб К.Махарадзе автогол муаллифига айланди.

Ўз майдонларида "Нефтичи" жамоасини қабул қилган Миржалол Қосимов бош мураббийлигидаги "Бунёдкор" ко-

мандаси шиддатли, мурасиз уйинда 2:1 ҳисобида зафар кучди. "Бунёдкор"нинг ҳар икки голига Ж.Иброҳимов муаллифлик қилган бўлса, Ш.Ҳақимов мезбон дарвозабонини доғда қолдириб ҳисобнинг қисқаришини таъминлади. Дарвоқе, Ж.Иброҳимов эндиликда 8 та гол билан тўпурарлар рўйхатида карвонбошилик қилмоқда.

Турнинг қолган учрашувлари куйидагича якунланди: "Сўғдиёна" — "Бухоро" — 3:0, "Қўқон-1912" — "Металлург" — 2:1, "Насаф" — "Қизилқум" — 0:0.

ЧОРАК ФИНАЛГА ҚУРЪА ТАШЛАНДИ

Футбол бўйича жорий йилги Ўзбекистон кубогининг чорак финал учрашувлари 17-18 сентябрь кунлари бўлиб ўтади.

Ўзбекистон кубого чорак финал баҳсларида қуръа ташлаш маросимидан сўнг Биллур соврин учун кураш олиб борадиган жамоаларнинг рақиблари номи маълум бўлди. Унга кўра чорак финалда "Пах-

такор" — "Локомотив", "Андижон" — "Бунёдкор", АГМК — "Машъал", "Қўқон-1912" — "Қизилқум" ўзаро куч синашади. Чорак финал баҳслари битта уйиндан иборат бўлади.

ташқари Тожикистон, Афғонистон, Туркменистон, Эрон, Қирғизистон ўсмирлар терма жамоалари голиблик учун кураш олиб боришади. Ўсмирлар терма жамоамизга Азамат Абдураимов бош мураббийлик қилмоқда.

Ақбар ЙЎЛДОШЕВ

ТОШКЕНТ — НУФУЗЛИ ТУРНИР МЕЗБОНИ

Мухлисларга маълумки, яқинда Тошкентда футбол бўйича 16 ёшли ўсмирлар ўртасида Марказий Осиё футбол ассоциацияси ташаббуси билан халқаро турнир бўлиб ўтган эди.

Тожикистон, Афғонистон, Қирғизистон ҳамда Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоалари ўртасидаги мусобақада ҳамюртларимиз турнир голибчилигини қўлга киритишган эди.

Энди 22-30 июль кунлари Марказий Осиё футбол ассоциацияси ташаббуси би-

лан футбол бўйича 15 ёшли ўсмирлар ўртасида ўтказилган халқаро турнирга яна Тошкент мезбонлик қилади. Пойтахтимиздаги "Миллий", "Локомотив", "Пахтакор" стадионларида бўлиб ўтадиган халқаро мусобақада мезбонлардан

ташқари Тожикистон, Афғонистон, Туркменистон, Эрон, Қирғизистон ўсмирлар терма жамоалари голиблик учун кураш олиб боришади. Ўсмирлар терма жамоамизга Азамат Абдураимов бош мураббийлик қилмоқда.

Ақбар ЙЎЛДОШЕВ

рақамли телеэшиттиришлар билан қамраб олиш мақсадида 90 комплект юқори қувватли ва 404 комплект кам қувватли узатгичлар ўрнатилди. Бундан ташқари, сунъий йўлдош алоқаси бўйича хорижий операторнинг маълум сегментини ижарага бериш ҳисобидан маҳаллий аҳолининг рақамли телеэшиттиришлар хизматидан кенг фойдаланиш имкони яратилди. Давлат теле-радиодастурларининг умумистеъмолдаги ижтимоий пакетини чекка ва бориш қийин бўлган аҳоли пунктларига етказиш ишлари амалга оширилди.

Рақамли телевидениедан баҳраманд бўлиш истагида бўлган оддий томошабин телевизорлари DVB-T2 стандартида ишлаш олишини тежириб кўриши зарур. Бугунги кунда мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган аксарият замонавий телевизорлар ушбу стандарда ишлайдиган рақамли тюнерга эга. Унга қўшимча равишда оддий антенна талаб этилади ҳолос. Юртимизда нафақат рақамли сигнални қабул қилишга кодир, айни дамда, Smart-TV ва IP-TV технологияларида ишлайдиган энг замонавий телевизорлар ҳам ишлаб чиқарилаётмоқда. Шунингдек, истеъмолчилар талабини қондириш мақсадида "Ўзэлтехсаноат" акциядорлик компанияси томонидан беш йил ичида 3 миллион дон рақамли телевизион приёмниклар ишлаб чиқарилади.

(ЎЗА)

КИБЕРХАВФСИЗЛИК БЎЙИЧА СЕМИНАР

Пойтахтимиздаги "Hyatt Regency Tashkent" меҳмонхонасида ташкил этилган ахборот хавфсизлиги ва кибержиноятчиликка қарши кураш масалаларига бағишланган амалий семинарда мамлакатимиздаги етмишдан ортиқ корхона ва ташкилотлар вакиллари иштирок этди.

Тадбир мамлакатимиздаги "Nihol" компаниялар гуруҳи, аппарат ва дастурий таъминот ишлаб чиқариш, етказиб бериш, ахборот технологиялари ҳамда консалтинг хизматлари кўрсатиш бўйича дунёдаги йirik компаниялардан бири бўлган Американин "IBM" компанияси ҳамда "МУК" компаниялар гуруҳи ҳамкорлигида ташкил этилди.

Семинардан кўзланган асосий мақсад юртимиз корхоналари ва давлат ташкилотлари киберхавфсизлигини таъминловчи маҳаллий IT-мутахассислар ўртасида кибертаҳдидларга қарши кураш ва дастурий таъминотнинг зарарли турлари пайдо бўлишига оид энг янги тенденциялар тўғрисида ахборот тарқатишдан иборатдир.

Амалий семинарнинг очилишида сўзга чиққан "IBM" компаниясининг мамлакатимиздаги ваколатхонаси раҳбари Ўқтам Иргашев ва "Nihol" компанияси гуруҳи директор ўринбосари Елена Роман, бугунги кунда ахборот тизимларини ҳимоялаш масалалари Ўзбекистон идоралари фаолиятининг устувор йўналишларидан бири эканини таъкидлади. Ахборот хавфсизлигини таъминловчи тузилмалар ишини тўғри режалаштириш ва ташкил қилиш нафақат ҳозир, балки келажакда ҳам ҳар қандай корхона муваффақиятли фаолиятининг ажралмас таркибий қисми ҳисобланади. Ўзбекистон IT-бозорида қўлбаз замонавий кибертаҳдидлардан юқори даражада ҳимояланиш имкониятини берувчи ахборот хавфсизлиги соҳасидаги энг илгор технология ва ечимлар намойиш этилган.

Семинар дастури икки қисмга ажратилди. Дастлаб иштирокчилар йirik хорижий компаниялар томонидан қўлланилаётган хавфсизлик хужумлари қарши таъбир кўрсатувчи сўнгги кибертаҳдидлар ва услублар тўғрисида маълумотга эга бўлди. "Nihol" ва "IBM" компанияси мутахассислари Ўзбекистонда киберхавфсизлик таҳлили, маълумотлар базаси хавфсизлигида хавфсизлик ва таҳминдорликни таъминлаш, инфратузилмани муҳофаза қиладиган когнитив технологияларга оид маърузаларини тақдим этди.

Ахборот хавфсизлиги соҳасидаги замонавий тенденциялар ҳақида сўз борганда, кибержиноятчилар томонидан машиналаштирилган ўқитиш ва сунъий интеллектдан фол равишда фойдаланиш, товланмачи-вирусларнинг ривожланиши, "IoT" синфига доир мосламалар заиф қисмларидан фойдаланиш кўзда тутилди, — дейди ЎЗА мухбирига "Nihol" компаниясининг инновацион ривожланиш бўлими бошлиғи Сергей Рабаев. — Дунё амалиётида тўлов маълумотларига эга фибриларлик схемалари ҳамда мобил иловаларга қаратилган ҳужумларнинг сезиларли даражада ошгани кузатилди. Жорий йил бошида серверлар ва компьютер тўпламлари бўйича етакчи ишлаб чиқарувчилар махсулотлари орасида "Meltdown", "Spectre" аппаратларининг захфлиги аниқланди.

Семинар қатнашчилари олган назарий билимларни амалда сынаб кўриш мақсадида киберҳужум симуляцияси ташкил этилди. Маҳаллий компания ва давлат ташкилотларининг ахборот технологиялари бўйича мутахассисларига унинг ечимини топиш, сўнгра ҳодисани таҳлил қилиб, келажакда бу каби муаммоларни бартараф этиш бўйича таклифлар киритиш вазифаси юклатилди.

Семинар доирасида ахборот хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги энг янги ишланмалар намойиш этилди.

Роман БОНДАРЧУК

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Тошкент шаҳар Миробод тумани ТСРҲИ томонидан 2.10.2013 йилда рўйхатдан ўтган "НЕФТ ДОВИНА TASHKENT" МЧЖ (ИНН 302720083) таъсисчиларнинг 3.07.2018 йилдаги баённомасига асосан **ТУГАТИЛАДИ**
Давлолат эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой мuddат ичида Миробод тумани, Сарикўл кўчаси, 1-уй, 25-хонадонда қабул қилинади. Тел: +99890 948-79-68.

Авалги Тошкент вилояти, Тошкент туманидаги 8-сонли мактаб, ҳозирда Олмазор туманидаги 315-сонли мактаб томонидан 1993 йилда Джумахон Шовкат Шаянзович номига берилган № 062606 рақамли шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Ўрта Чирчиқ қурилиш ва иктисодиёт касб-ҳунар коллежи томонидан Абдураҳмонов Муҳаммадамин Абдували ўғли номига 2017 йилда берилган К № 4844329 рақамли диплом ва диплом иловаси йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

"Юнусобод тумани ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри" давлат корхонаси томонидан Юнусобод тумани, 19-даха, 6-уй, 112-хонадон учун Раҳимова Матлуба номига берилган кадастр ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

2-Тошкент юридик коллежи томонидан Химматов Шохзод Сайитқулович номига 2018 йилда берилган К № 5328008 рақамли диплом ва диплом иловаси йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

ЎЗГИДРОМЕТ
ХАБАР ҚИЛАДИ

Тошкент шаҳрида 20 июль кун ҳаво ўзгариб турди, ёғингарчилик бўлмади. Шарқдан секинлига — 3-8 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 23-25, кундузи — 39-41 даража иссиқ бўлади. Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, 20 июльда Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратди, ифосланиш даражаси паст бўлади.